

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич

ИИВ Академиясида кафедра бошлиғи

Тиялбаев Жамшид Абдухалилович

ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси

Аннотация: Ушбу мақолада тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш тартиби, шунингдек ушбу масалага оид олимларнинг фикрлари ўрганилган ҳамда қонунчилигимизга жиноят процессида тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан фойдаланиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларини ва унинг механизмини киритиш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Тезкор-қидирув фаолияти натижалари, ашёвий далил, жиноят процесси, жиноят иши, гувоҳ, сўрок.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш исбот қилиш жараёнидаги муаммолардан бири сифатида ҳам ҳуқуқшунос олимларни ҳам амалиёт ходимларини қизиқтирган масала ҳисобланади. Ҳозирга қадар айрим олимлар жиноят процессида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланиш мумкин эмас¹ деб ҳисобласалар, бошқа бир гуруҳ олимлар фойдаланиш мумкин² деган фикрни билдирадилар. Бунинг натижасида ушбу масалага нисбатан турли ёндошувлар юзага келган. Жумладан, Е.А. Доля турли хил қарашларнинг мавжудлиги, ушбу муаммони муҳокама қилиш, уни тўғри ҳал этиш йўлидаги босқич сифатида кўриб чиқиш керак³ деб таъкидлайди.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун, биринчи навбатда, ушбу ҳуқуқий муносабатнинг моҳиятини билиш ва унинг тушунчасига аниқлик киритиб олишимиз лозим. Чунки, қонунчиликда ва ТҚФ назариясида «тезкор-қидирув тадбирлари натижалари» тушунчаси берилмаган. Олимларнинг ТҚФ натижаларига берган таъриф ҳамда «натижа» сўзининг луғавий маъносидан келиб чиқиб, «тезкор-қидирув тадбирлари натижалари»га таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

¹ Доля Е.А. Использование результатов ОРД в доказывании по уголовным делам // Российская юстиция. 1994. №6. 43-б.

² Пулатов Б.Х. Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланиш тартиби / Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси 2018. №3 (35); Клёнов Д.И. Процессуальный порядок использования результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании на досудебных стадиях производства по уголовным делам: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Ижевск, 2005. 24-с

³ Доля Е.А. Результаты оперативно-розыскной деятельности не могут стать содержанием доказательств в уголовном процессе // Государство и право. 2013. №5. С. 25.

Жумладан, А.А.Хамдамов ва Т.Р.Саитбаев «Тезкор-қидирув фаолияти натижалари – тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ равишда олинган, тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят белгилари, жиноятни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган ҳамда суриштирув, тергов органлари ёки суддан яшириниб юрган шахслар ҳақида маълумотлардир»⁴ деб таъриф берган.

Шунингдек, В.В.Хатуева ва В.А.Заряевлар эса ТҚФ натижалари жиноят иши бўйича исботлаш жараёнига қўшилиши нуқтаи назаридан «Тезкор-қидирув фаолияти натижалари – жиноят иши бўйича ваколатли органлар томонидан ТҚФ тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ равишда олинган, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят белгилари, жиноятни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган шахслар, шунингдек жиноят ишига тегишли бошқа ҳолатлар тўғрисидаги олинган маълумотлардир»⁵ деб таъриф берган.

«Натижа» сўзи хулоса, яқун, оқибат самара деган маъноларни билдириб, иш ҳаракат, воқеа-ҳодисадан келиб чиққан кўрсаткични англатади⁶.

Юқоридаги таҳлиллардан ҳамда ТҚФ қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, ТҚТ натижаларини қуйидагича ифодалаш мумкин: «Тезкор-қидирув тадбирлари натижалари – бу қонунда белгиланган тартибда ўтказилган, тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят белгилари, жиноятга тайёргарлик кўраётган, содир этаётган ёки содир этган ҳамда суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган шахслар ҳақидаги, шунингдек жиноят ишига тегишли бошқа фактлар тўғрисида олинган маълумотлар, ҳужжатлар, материаллар ва ахборот ташувчилардир».

Жиноят процессида ТҚТ натижаларидан фойдаланиш билан боғлиқ мунозарали масалаларидан бири ошқора ТҚТ натижаларини расмийлаштириш бўлиб, мазкур ҳолатда қандай ҳужжатлар тузилиши қонунчилик билан тартибга солилмаганлиги сабабли муаммо юзага келади. Амалиётда бундай натижалар қонуности ҳуқуқий ҳужжатларга асосан (далолатнома, маълумотнома, билдирги, тушунтириш хати ва бошқалар шаклида) расмийлаштирилади.

Кўпгина ТҚТ ҳам ошқора, ҳам ноошқора шаклда (қиёсий текширув учун намуналар йиғиш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш; текшириш учун харид қилиш; назорат остида олиш; тезкор эксперимент ва бошқа.) ўтказилиши мумкин. Ушбу тадбирлар давомида ҳужжатлар, предметлар

⁴ Хамдамов А.А., Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гардеев ва Р.Т.Рашитходжаев. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академичси, 2015. – 236 б.

⁵ Хатуева В.В., Заряев В.А. Доктринальные проблемы использования результатов оперативно-розыскной деятельности в доказывании по уголовным делам // Совр. право. 2017. № 9. – С. 113-117.

⁶ А.Мадвалиев тахрири остида. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Н ҳарфи. – Т., 2008. – Б. 172.

ва материаллар олиб қўйилади⁷.

Агар ошкора ТҚТ (сўров, маълумотлар тўплаш, шахснинг айнанлигини аниқлаш, тезкор кузатув ва ҳ.к.) давомида ҳужжатлар, предметлар ва материаллар олиб қўйилмаса, бундай тадбир натижалари бошқа ҳужжатлар (тушунтириш хати, маълумотнома, билдирги, далолатнома ва бошқалар) билан расмийлаштирилиши мумкин. Бироқ тадбирлар давомида ҳужжатлар, нарсалар, материаллар олиб қўйилган тақдирда тузилиши лозим бўлган ҳужжат тури ва мазмуни ТҚФ тўғрисидаги қонунда кўрсатилмаган.

Шундай қилиб, қонун чиқарувчи ҳужжатлар, нарсалар, материаллар олиб қўйилган тақдирда ошкора ТҚТ натижалари бўйича тузилиши керак бўлган ҳужжат турини, унинг мазмунига қўйилдиган талабларни кўрсатиши керак.

Фикримизча, «ТҚФ тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси қуйидаги мазмундаги қўшимча билан тўлдирилиши керак. «Ошкора ТҚТни ўтказиш вақтида ҳужжатлар, нарсалар, материаллар олиб қўйилган тақдирда, олиб қўйишни амалга оширган мансабдор шахс жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ баённома тузиш».

Эҳтимол баённомани ҳужжат тури сифатида белгилаш, кўп ҳолларда ошкора ТҚТнинг натижалари жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилиши (ТҚФ тўғрисидаги қонун 19-м 2-қ), жиноят иши бўйича далил сифатида эътироф этилиши, мавжуд жиноят иши материалларига илова қилиниши (ЖПК 81-м 3-қ, 87-м 1-қ) мумкин.

Тезкор ходим ошкора тезкор-қидирув тадбирлари баённомасини расмийлаштиришда тергов ҳаракати баённомасининг мазмунини назарда тутувчи ЖПКнинг (90-91-м) қоидаларига риоя қилиши керак.

ЖПКдан (90-91-м) келиб чиқиб, ошкора тезкор-қидирув тадбирлари баённомасига қуйидаги талаблар қўйилади:

баённома тезкор-қидирув тадбири давомида ёки уни тугатгандан сўнг дарҳол тузилиши;

баённомани қўл билан ёзиш ёки техника воситалар ёрдамидан фойдаланиш;

баённомада тезкор-қидирув тадбирни ўтказиш жойи ва санаси, унинг бошланиш ва тугаш вақти; баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси ва исми, отасининг исми кўрсатилиши;

иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши, тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш тартибини тушунтирувчи ёзув бўлиши, бу тезкор-қидирув тадбири иштирокчиларининг имзолари билан тасдиқланиши;

ҳаракатлар амалга оширилган тартибда, уларни амалга ошириш давомида

⁷ Фирсов О.В. О порядке оформления результатов гласных оперативно-розыскных мероприятий // Вестник ЗабГУ № 08 (99) 2013. – С. 163.

аниқланган муҳим ҳолатлар, шунингдек, тезкор-қидирув тадбири иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари, тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар;

тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда фойдаланиладиган техника воситалар, улардан фойдаланиш шартлари ва тартиби, ушбу воситалар қўлланилган объектлар ва олинган натижалар кўрсатилиши;

баённома тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган барча шахсларга танишиб чиқиш учун тақдим этилиши, шу билан бирга, кўрсатилган шахсларга баённомага эътирози бўйича қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкинлиги ҳуқуқи тушунтирилиши, баённомани тўлдириш ва аниқлаштириш учун қилинган барча изохлар ушбу шахсларнинг имзолари билан кўрсатилиши ва тасдиқланиши;

баённома тезкор ходим ва тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган шахслар томонидан имзоланиши;

баённомага фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, чизмалар, режалар, схемалар, тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда олинган қолиплар, нусхалар, шунингдек тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда бошқа электрон ахборот ташувчиларидан олинган ёки кўчирилган маълумотларнинг электрон ташувчилари илова қилиниши;

агар тезкор-қидирув тадбирида иштирок этаётган гуманитар қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ёки бошқа шахс тезкор-қидирув тадбири баённомасини имзолашдан бош тортган тақдирда тезкор ходим унга тегишли ёзув киритиши, бу унинг имзоси билан тасдиқланиши, шунингдек тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган ҳимоячи, қонуний вакил, вакил ёки гувоҳлар ҳам имзолаши;

баённомани имзолашдан бош тортган шахсга ушбу баённомада қайд этилган рад этиш сабаблари тўғрисида тушунтириш бериш имконияти берилиши;

агар гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳ жисмоний ногиронлиги ёки соғлиғи туфайли баённомани имзолай олмаса, у ҳолда ушбу шахсни баённоманинг матни билан таништириш, ўз имзоси билан баённоманинг мазмуни ва уни имзолаш мумкин эмаслигини тасдиқловчи ҳимоячи, қонуний вакил, вакил ёки гувоҳларининг иштирокида амалга оширилиши;

Ошкора тезкор-қидирув тадбирлари натижалари баённома шаклида расмийлаштирилганда ЖПКнинг (90-м) айрим қоидаларини қўллаш мумкин эмас.

1. Тергов ҳаракати баённомасида унда иштирок этувчи шахслар техника воситаларидан фойдаланиш тўғрисида олдиндан огоҳлантирилганлиги қайд

этилиши лозим.

Алоҳида ТҚТни ўтказишда (текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш, тезкор эксперимент) барча иштирокчиларни техника воситалардан фойдаланиш ҳақида олдиндан огоҳлантириш мумкин эмас. Чунки, бундай ТҚТнинг бошланиши ниқобланган ёки ноошкора шаклга эга бўлиб, унда текшириладиган шахс ТҚТ давомида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг моҳияти ҳақида билмайди. Фақат белгиланган мақсадларга эришилгандан сўнг тадбир ошкора шаклга эга бўлади.

2. Агар жабрланувчи, унинг вакили, гувоҳ, уларнинг яқин қариндошлари, қариндошлари ва яқин шахсларининг хавфсизлигини таъминлаш зарур бўлса, терговчи жабрланувчи, унинг вакили ёки гувоҳ иштирок этаётган тергов ҳаракати баённомасида уларнинг шахси тўғрисида маълумот бермасликка ҳақлидир. Бундай ҳолатда терговчи тергов органи раҳбарининг розилиги билан тергов ҳаракатидаги иштирокчисининг таҳаллусини кўрсатиб, ушбу маълумотларни сир сақлаш тўғрисидаги қарорнинг сабабларини белгилаб, унинг иштирокида амалга ошириладиган тергов ҳаракатлари баённомаларида қўллайдиган имзоси намунасини тақдим этувчи қарор чиқаради. Қарор муҳрланган конвертга солиниб, жиноят ишига илова қилинади.

ЖПКнинг (90-м) ушбу қондасини ошкора ТҚТни ўтказишда қўллаш учун ТҚФ тўғрисидаги қонунда тезкор ходимнинг тезкор-қидирув органи раҳбарининг розилиги билан бундай қарор чиқариш ваколати мустаҳкамланиши зарур. Фикримизча, ТҚФ тўғрисидаги қонунга бундай қўшимчалар киритиш эҳтимолдан йироқ.

Тезкор йўллар билан олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш масаласини ҳал қилиш, аввало, жиноят-процессуал кодексининг талабларидан келиб чиқиши керак⁸, чунки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби фақат ЖПК (1-м) билан белгиланади. Шундай қилиб, ТҚФ тўғрисидаги қонуннинг ТҚТни ўтказиш тартибини белгиловчи нормалари ЖПКнинг далиллар институтида белгиланган қоидаларига зид келиши керак эмас. Ушбу ҳолатда ТҚФ тўғрисидаги қонун дастлабки тергов органларига жиноятларни фош этишда (4-м) ёрдамчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Бизнинг фикримизча ТҚТ натижаларидан жиноят ишларида фойдаланиш зарур. Чунки, уларнинг ўзи процессуал жиҳатдан далил бўла олмаса-да, жиноят ишларида энг муҳим бўлган далилларни аниқлаш имконини беради.

Шунинг учун ҳам ТҚФ тўғрисидаги қонунда (19-м. 3-қ.) қонуннинг шартларига риоя этилган ҳолда ўтказилган ТҚТ натижалари Ўзбекистон Республикаси ЖПКга мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг

⁸ Стрёмовухов А.В., Иванов И.А., Использование результатов оперативно-розыскной деятельности в уголовном судопроизводстве: проблемы и пути их решения // Ленинградский юридический журнал. 2016. № 1. С 86.

далиллар сифатида эътироф этилиши мумкинлиги Ўзбекистон Республикаси ЖПКда (81-м 3-қ) қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижалари кодекс нормаларига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг жиноят иши бўйича далиллар деб эътироф этилиши мумкинлиги талаби билан боғланган.

Жиноят процессида ТҚТ натижаларидан: жиноят ишини қўзғатиш учун асос сифатида; тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда; жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин⁹.

Масалан, ТҚТ натижасида жиноят белгилари аниқланса жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жиноят белгиларини жиноят ишини қўзғатиш учун асос сифатида бевосита аниқлашнинг хусусияти шундаки, тегишли ҳужжатларни тузиш пайтига келиб жиноят белгиларини кўрсатувчи фактик маълумотлар мажмуи жиноят ишини қўзғатиш учун етарли бўлади. ТҚТ ни ўтказиш ваколатига эга бўлган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ушбу фаолиятни амалга ошириш жараёнида жиноят белгиларини аниқласа, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 322-моддасида келтирилган етарли асослар мавжуд бўлганида, бошқа манбадан ахборот олинишини кутмасдан мустақил равишда жиноят ишини қўзғатишга ҳақлидир. Жиноят содир этилгани ҳақидаги ахборотнинг бирламчи манбаи рўйхатга олиниши лозим бўлгани боис, жиноят белгилари ҳақидаги маълумотлар келтирилган ТҚТ натижалари тадбирни амалга оширган ходимнинг бошлиғи номига ёзилган билдиргисида ва унга илова қилинган ҳужжатларда умумлаштирилиши керак.

ТҚТ натижалари қилмишда жиноят белгилари мавжудлиги ҳақида хулоса чиқариш учун етарли бўлиши лозим. Шу боис жиноят иши қўзғатиш учун тўлақонли асосни тезкор-қидирув маълумотларининг мажмуи ташкил қилади. ТҚФни амалга оширувчи орган жиноят ишини қўзғатганида мазкур маълумотлар мажмуи кейинчалик иш бўйича далиллар мақомига эга бўладиган фактик маълумотлардан ҳам, ошкор этилмайдиган ва жиноят ишида кўрсатилмайдиган маълумотлардан ҳам ташкил топиши мумкин.

Прокурор жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини баҳолашда мавжуд маълумотларнинг бутун мажмуини ҳисобга олиши шарт.

Амалдаги қонун ҳужжатларида суриштирув органининг ўзи ўтказган ва фақат кўмаклашувчи шахслардан олинган ҳужжатларда қайд этилган ТҚТнинг натижаларига асосан жиноят ишини қўзғатиши мумкинлиги истисно этилмаган. Бироқ бирламчи материалларга ошкора фойдаланилиши лозим бўлган

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни 19-моддаси иккинчи қисми. <https://lex.uz/docs/2107763> (мурожаат вақти: 13.12.2020)

маълумотларни кўшишга интилиш керак. Агар жиноят ишини терговчи кўзғатса, қарор қабул қилиш учун асос бўлиб расмий текширилиши мумкин бўлган тезкор-қидирув маълумотлари хизмат қилади.

ТҚТ натижаларидан тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда фойдаланиш деганда мазкур натижалардан: а) тергов ҳаракатларни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилишда; б) тергов ҳаракатларини бевосита ўтказишда уларни ҳисобга олиш мумкинлиги тушунилади.

Тезкор-қидирув ахборотидан тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилишда фойдаланишнинг принципиал мумкинлиги Ўзбекистон Республикасининг ЖПКда белгиланган. Қонунда тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг асосларини ифодалашда ҳар қандай тергов ҳаракатини ўтказиш учун асос бўлиб муайян натижаларга эришиш мумкинлигини, иш учун муҳим бўлган ҳолатлар ҳақида янги маълумотлар олиш мумкинлигини кўрсатувчи фактик (ҳақиқий, асосли) маълумотлар мажмуи асос бўлиб хизмат қилишидан келиб чиқилган. Айрим тергов ҳаракатлари (масалан, юзлаштириш) фақат жиноят ишида мавжуд бўлган фактик маълумотлар (далиллар) асосидагина ўтказилади.

Бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асос бўлиб, ТҚТ натижасида олинган далиллар ва фактик маълумотлар мажмуи хизмат қилиши мумкин. Масалан, ЖПКнинг 158-моддасига мувофиқ «тинтув муайян жойда иш учун аҳамиятли объектлар мавжуд» деб ҳисоблаш учун етарли маълумотлар бўлганида ўтказилиши мумкин, яъни қонунда тинтувни фақат далиллар мавжуд бўлганида ўтказиш белгиланмаган. Тезкор-қидирув маълумотлари муайян бино (хона) ёки жойда, бирор шахсда иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни кўрсатувчи (аниқловчи) объектлар мавжудлиги ҳақидаги процессуал маълумотлар мажмуини тўлдириши мумкин. Агар, масалан, ўғирлик содир этгани учун ушланган шахс шаҳарга бошқа ҳудуддан келганлигини, шаҳарда доимий яшамаслигини, вақтинча танишлариникида турганлигини айтган бўлса, ушбу ҳолда танишларининг хонадонидида тинтув ўтказиш учун асослар етарли бўлмайди. Бироқ у билан яқин алоқада бўлган шахслар билан ўтказилган сўров давомида мазкур шахс бир қатор ўғриликлар содир этгани ва ўғирланган нарсалар у вақтинча турган жойда эканлиги ҳақида ишончилиги шубҳа уйғотмайдиган ахборотлар олинганида эса, мазкур фактик (процессуал ва тезкор-қидирув) маълумотлар мажмуи тинтув ўтказиш ҳақида қарор чиқариш учун етарли ҳисобланади.

Шундай қилиб, бирор хонада (бошқа жойда) ёки бирон шахснинг уйида жиноят қуроллари, жинорий йўл билан олинган нарса ва бойликлар, шунингдек жиноят иши учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа объектлар мавжудлиги ҳақида хулоса чиқариш учун етарли асос берувчи тезкор-қидирув

ахбороти, агар жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга мос келса (зид бўлмаса) ҳамда ишончилиги шубҳа уйғотмаса, тинтув ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Худди шунингдек, ТҚТ натижаларидан кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ҳамда бошқа баъзи бир тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Гумон қилинувчини ушлаб туриш ҳақида процессуал қарорга келсак, шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган бошқа маълумотлар сифатида, далиллар билан бир қаторда, тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган маълумотлар ҳам кўриб чиқилади. Худди шу тариқа, терговга қаршилик кўрсатиш режалаштирилаётгани, жумладан суриштирув ва терговдан бўйин товлаш орқали қаршилик кўрсатаётганлиги ҳақидаги тезкор-қидирув маълумотлари ҳам эҳтиёт чораси танлаш ёки уни ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилиш учун фойдаланилиши мумкин.

Бевосита тергов ҳаракатларини ўтказишда тезкор-қидирув маълумотларидан фойдаланиш асосан тактик хусусиятга эга. Тергов ҳаракатлари жараёнида тезкор ахборот асосида қарор (масалан, тинтув ёки олиб қўйиш амалга оширилаётган хонага кирган шахсни шахсий тинтув қилиш ҳақида қарор) кўринишида расмийлаштиришни талаб этмайдиган қарорлар қабул қилиниши мумкин.

ТҚТ натижаларидан жиноят иши бўйича исбот қилишда фойдаланиш уларнинг ўз навбатида суриштирув, тергов органлари ёки прокурорга тақдим этилишини назарда тутаяди. Яъни, ТҚТ натижалари муайян жиноят ишини тергов қилишга ваколатли бўлган прокурорга ёки тегишли дастлабки тергов органларига тақдим этилади¹⁰.

Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида терговчи тезкор йўл билан олинган маълумотларга эга бўлар экан улардан тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёки жиноят ишларида далиллар сифатида фойдаланиши мумкин. Бунда ушбу маълумотлардан уларнинг яширин усуллар билан олинганлигини ошкор қилмасдан фойдаланиш муаммоси вужудга келади. Терговчига жиноятнинг процессуал йўл билан исботланмаган ҳолатлари тўғрисидаги, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг шериклари ҳақидаги ҳамда жиноят содир этишда қўлланилган қуроллар тўғрисидаги ва шунга ўхшаш бошқа маълумотлар тақдим этилиши мумкин. Бундай маълумотларни олгач, терговчи гумон қилинувчи (айбланувчи)ни қўшимча сўроқ қилиш, тинтувни тўғри ўтказиш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш натижасида зарур далилларни тўплаш¹¹ имкониятига эга бўлади.

¹⁰ *Зажичкий В.М.* Использование результатов оперативно-розыскной деятельности / Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» под ред. Шумилова. – М., 1997. 108-б.

¹¹ *Громов Н.А., Францифоров Ю.В., Гришин А.И.* Основные направления использования результатов

Бир қатор ТҚТни ўташиш жараёнида қўлга киритилган жиноят содир этган шахслар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган келгуси тергов ҳаракатларини тўғри танлашга ёрдам берувчи йўналтирувчилик вазифасини бажаради¹².

ТҚФ натижаларидан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланиш жиддий қийинчиликлар туғдиради. Чунки ТҚТнинг яширин характерини сақлаган ҳолда унинг натижаларини изоҳлаб бериб, тезкор ахборотни далилга айлантириш усулларини топиш керак бўлади.

Жиноят процессида ТҚТ натижаларидан хусусан, исбот қилишда фойдаланиш муаммоси бугунги кунда айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. ТҚТ натижасида олинган маълумотлар ҳам худди далилларники каби манбага эга бўлса-да, бироқ уларнинг шакллари далилларникидан жиддий фарқ қилади. Улар ўзларида акс этган ахборотларнинг ишончлилиқ даражаси билан далиллардан фарқланади.

Умумий манбанинг мавжудлиги жиноят ишлари бўйича исбот қилишда ТҚФ натижаларидан фойдаланиш имкониятини беради. Нарса ва ҳужжат шаклида бўлган ТҚТ натижалари жиноят-процессуал қонунчилиги талабларга жавоб берса, далилларга айланиши ва улардан далил сифатида фойдаланиш мумкин.

ТҚТ натижалари ҳаққоний маълумотлар сифатида қўлланилиши, уларни маълум қилган шахслар эса гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши¹³ лозим.

Тезкор маълумотларни жиноят ишлари бўйича исбот қилиш жараёнида қўллашнинг асосий усулларидан бири бўлиб уларни терговчига ёки суриштирув органларига ўз ташаббуси билан тақдим этиш ёки бундай маълумотларнинг улар томонидан талаб қилиб олиниши ҳисобланади. Бу усул билан олинган маълумотларга уларни кўздан кечириш, турли хил экспертизалар ўтказиш, ТҚТ ни бевосита амалга оширган шахсларни сўроқ қилиш мобайнида тегишли процессуал шакл берилиши мумкин.

ТҚТ натижасида олинган видеоёзувнинг далилга айланиш жараёнини мисол сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Видеоёзув қуйидаги талабларга жавоб берсагина, ашёвий далилни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин:

ТҚТ ўтказган ваколатли орган томонидан расмий равишда тақдим этилган бўлса;

оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания // Следователь. 1999. №11. 39-б.; Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. 55-б.

¹² Ўша ерда, 55-б.

¹³ Пашин С.А. Вопросы использования материалов оперативно-розыскной деятельности на предварительном следствии // Следователь. 1997. №4. 41-б.

видеоёзувни олиш жараёнини (вақти, куни, жойи, унинг олиниш шароити ва муҳити, қўлланилган техника воситасининг техник ҳолати, видеоёзувни олган шахс тўғрисида) ўзида акс эттирган ҳужжат (билдирги, маълумотнома, далолатнома) мавжуд бўлса.

Видеоёзувнинг жиноят ишига алоқадор бўлган ўзига хос томонлари, унинг хусусиятлари ва ҳолати тегишли техника воситалар ёрдамида керакли мутахассисларни жалб этган ҳолда терговчи томонидан холислар иштирокида кўздан кечирилганлиги, яъни уларни ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилганликлари тегишли тартибда кўздан кечириш баённомасида қайд этилиши лозим.

Терговчи видеоёзувнинг хусусиятлари ва ҳолатини ашёвий далилнинг мазмуни сифатида тан олганидан кейин уни ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида қарор чиқариши керак.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ушбу мисолдаги ашёвий далилнинг мазмунини жиноят ишига алоқадор бўлган, уни кўздан кечиришда ажратиб олинган ва баённомада акс эттирилган видеоёзувнинг хусусиятлари ва ҳолати ташкил этади. Видеоёзувнинг хусусиятлари ва ҳолати видеоёзудан ажратиблиб бўлмаслиги туфайли у шундайлигича ашёвий далилдир. Хулоса қилиб айтганда, ТҚТ натижаси бўлмиш видеоёзув эмас, балки уни бевосита кўздан кечириш ва қарор чиқариш вақтида шаклланган жиноят-процессуал фаолият натижаси ашёвий далил ҳисобланади.

Жиноят иши бўйича бошқа далиллар каби ушбу ашёвий далилни баҳолаш видеоёзувни ашёвий далил сифатида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқарилганидан сўнг амалга оширилиши мумкин. Жиноят-процессуал фаолиятининг асосий мақсадларидан бири ТҚТ натижаларини текширишдан иборат бўлмай, балки ушбу фаолият давомида жиноят иши бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин бўлган далилларни шакллантиришдан иборатдир.

Жиноят-процессуал тартибда расмийлаштирилган нарсалар ҳали далил ҳисобланмайди. Нарсани ашёвий далил сифатида тан олиш учун унинг жиноят ишига алоқадорлигини аниқлаш лозим. Буни тезкор ходимларсиз (аниқроғи, ТҚТ давомида нарсаларни аниқлаган шахслар) ёки агар ТҚФни амалга оширувчи органларга ёрдам берган шахсларнинг тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этиши натижасида ушбу нарса қўлга киритилган бўлса, ушбу шахсларни сўроқ қилмасдан туриб, амалга ошириб бўлмайди. Айрим муаллифлар «ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбар ходимининг унга бўйсунган ходимлар ёки у билан ҳамкорлик қилувчи шахслар томонидан бевосита идрок этилган ҳодисалар юзасидан уларнинг хабарлари, сўзларидан маълум бўлган ўша ҳодисалар

бўйича» кўрсатмалари далил сифатида олиниши мумкинлигини билдирганлар¹⁴. Фикримизча, бунга йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу ҳолда ахборотлар манбаси билан алоқа йўқолади, шунингдек, ахборотнинг шаклланиш ва олиниш босқичи эътибордан четда қолади, чунки мазкур шахс ТҚТни ўтказиш жараёнини бевосита идрок этмайди.

ТҚТ натижалари баённома билан расмийлаштирилишига қарамай, улар жиноят иши бўйича далил ҳисобланмайди. ТҚТ натижаларини мустаҳкамлаш вақтида ушбу маълумотларнинг кўмаклашувчи шахслар (холисларга ўхшаш) томонидан тасдиқланиши мумкинлиги тўғрисида фикр билдирилган бўлиб, бизнингча, бундай қоида ТҚТнинг махфийлик тамойилиги зиддир. Бундан ташқари, ушбу шахсларни сўроқ қилишда ҳам бир қанча қийинчиликлар туғилиши мумкин.

Тезкор ахборот манбаси тўғрисидаги масала ҳам жуда муҳим. У ҳақидаги маълумотларнинг мавжуд бўлиши мажбурийдир. Бу нафақат ушбу маълумотларни кейинги текшируви билан, балки шунингдек, гумон қилинувчини сўроқ қилишда ТҚТ натижасида олинган материаллари билан таништириш чоғидаги муаммолар билан ҳам боғлиқдир. Ишда манбаи кўрсатилган нарса ва ҳужжатларгина тақдим этилиши мумкин, чунки тақдим этилиш факти мазкур нарса ва ҳужжатларнинг олиниш манбаси кўрсатилган ҳолда баённомада қайд этилиши лозим. Сўроқ қилинаётган шахс ушбу маълумотларнинг баённомага киритилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Яна бир муҳим масалалардан бири-бу ТҚФни амалга оширувчи органлар билан ҳамкорлик қилувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ҳамда уларни сўроқ қилишга доир масалалардир. Уларни сўроқ қилиш айнан ТҚФ давомида содир этилган жиноятлар бўйича ёпиқ суд мажлисида тезкор ахборотни рўёбга чиқариш усули сифатида амалга оширилиши мумкин. Бундай шахсларни сўроқ қилишга фақат уларнинг ёзма розилиги билангина йўл қўйилади. Фақат шундагина ТҚТни амалга оширишнинг махфийлик тамойили бузилмайди.

Жиноят иши бўйича исбот қилишда ТҚТ натижаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорда тезкор ҳисоб ишларида мавжуд ва иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш учун ўта зарур бўлган маълумотларнинг жиноят ишига алоқадорлиги ҳамда мазкур маълумотларнинг жиноят процессига киришида восита бўлиб хизмат қилувчи далил турини танлаш билан боғлиқ масалаларга бериладиган ижобий жавобларгина эмас, балки тергов органларига исбот қилиш жараёнида тегишли далилларни шакллантириш, текшириш ва баҳо бериш учун

¹⁴ Пашин С.А. Вопросы использования материалов оперативно-розыскной деятельности на предварительном следствии // Следователь. 1997.№4. 42-6.; Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (по состоянию законодательства на 16 июля 2001 г.) – Алматы, ТОО «Баспа», 2001. 130-модда.

зарур бўладиган маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ масалалар ҳам акс этирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқорида санаб ўтилган масалалардан ҳаттоки биттасига салбий жавоб берилиши исбот қилиш жараёнида ТҚФ натижаларидан фойдаланиб бўлмаслигига олиб келади.

ТҚФ давомида олинган маълумотларни жиноят процессига киритиш ЎзР ЖПКнинг 87, 198-202-моддалари тартибида тақдим этиш йўли билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Тезкор маълумотларни киритишнинг муайян усуллари олинган ахборотнинг турига боғлиқдир.

Адабиётларда тезкор-қидирув йўли билан олинган маълумотларни икки турга бўлиш кераклиги ҳақида фикрлар мавжуд. «Шахсий» -ахборот, исбот қилишда фақатгина мазкур ахборотга эга бўлган шахсдан кўрсатувлар олиш йўли билан амалга оширилиши мумкин бўлган ахборотдир. «Ашёвий» -агар тақдим этилган объектга процессуал шакл бериш имконияти бўлса, у мустақил процессуал аҳамиятга эга бўлиши мумкин, масалан, ашёвий далиллар.

Бундай нарса ва ҳужжатларни олиш жараёнида манфаатдор бўлмаган шахсларнинг (жамоатчилик, фуқаролар, маъмурият вакиллари) иштирок этиши тавсия этилади. Бундай ҳолларда турли далолатномалар (кузатиш, пуллар, ҳужжатларга люминофорлар билан белгилар қўйиш далолатномалари) тузилади. Манфаатдор бўлмаган шахсларнинг иштирок этиши тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини оширади, кейинчалик нарса ҳамда ҳужжатларни кузатиш ва олишда иштирок этган шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш имкониятини беради. Олинган материаллар ЖПКнинг 204-моддаси талабларига тўлиқ жавоб беради ва далиллар манбаи бўлган ҳужжатлар ҳисобланади, чунки иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар фуқаролар ва тегишли мансабдор шахслар томонидан тасдиқланади. Бунда қўлга киритилган нарсалар улар қабул қилинганидан ва кўздан кечирилганидан кейин ашёвий далил аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Тезкор-қидирув ходимлари яширин олинган нарса ва ҳужжатларни терговчига тақдим этиш учун билдирги ёки маълумотнома тузадилар. Тақдим этилган далилларни қабул қилишнинг процессуал тартиби нима қабул қилинаётганлигига боғлиқ бўлади, яъни нарса бўлса, бунда холислар ёки мутахассислар жалб этилиши мумкин, агар ҳужжат бўлса, иш материалларига белгилар қўйиш етарлидир.

Тезкор-қидирув ходимлари томонидан билдиргиларни расмийлаштириш яширин қўлга киритилган нарса ва ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда объектларни жиноят процессига киритишнинг энг қулай йўли бўлиб ҳисобланади. Тезкор ходимнинг билдиргиси тақдим этилган нарса ва ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисида терговчи томонидан баённома тузилишини истисно қилмайди. (ЎзР ЖПКнинг 202-моддаси). Юқорида кўрсатилганидек,

билдирги ва қўлга киритилган нарса ёки ҳужжат биргаликда бир бутун далилни ташкил қилади.

Нарса ва ҳужжатлар шунингдек, ошқора ўтказиладиган ТҚТ натижасида ҳам олиниши мумкин. Кўпинча бундай вазият жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноят ТҚТ ёрдамида очилганида юз беради. Бундай зарурат нарса ва ҳужжатларни процессуал йўл билан олишнинг иложи бўлмаганда қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ҳам туғилади. Бундай ҳолларда нарса ва ҳужжатларни ихтиёрий топшириш тўғрисида тезкор-қидирув ходимлари томонидан икки гувоҳ иштирокида баённома тузилади. Бу эса мазкур баённомаларни ЖПКнинг 87, 198 ва 200-моддалари тартибида тақдим этилганидан сўнг далил сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Уларни қабул қилгач, терговчи баённома тузган шахсни ва гувоҳларни сўроқ қилиши мумкин. Бироқ бундай баённомаларни тергов ҳаракатлари баённомалари билан тенглаштирмаслик керак, чунки уларнинг процессуал аҳамияти турличадир. Процессуал ҳаракатлар баённомалари ўз-ўзича далил манбалари бўлса, ТҚТ давомида тузиладиган баённомалар олдин терговчига тақдим этилиши ва у томонидан текшириб чиқиш натижасида ишга қўшиб қўйилиши мумкин. Тегишли баённомаларда қайд этилган ТҚФ натижалари далилларнинг «бошқа ҳужжатлар» каби тури орқали жиноят процессига кириши мумкин.

Жиноятларни очишда ошқора ва яширин тадбирларни биргаликда олиб бориш талаб қилинади. Н.А.Громов, Ю.В.Францифоров ва А.М.Гришинларнинг ҳақли фикрларича, жиноятларни очиш жараёнини қуйидагича тасаввур этиш мумкин: ахборотни яширин манбадан олиш, комплекс яширин ТҚТни ўтказиш, сўнг олинган материаллар ва иш ҳолатларига қараб ошқора ТҚТ ёхуд тергов ҳаракатлари ўтказилади.

Буни схематик тарзда қуйидагича тасаввур қилиш мумкин. Яширин манбадан олинган дастлабки маълумотлар кейинги ТҚТ комплексини ўтказишга, бу тадбирлар мобайнида тўпланган маълумотлар эса жиноят ишини қўзғатишга асос бўлиб хизмат қилади. Ниҳоят, тезкор-қидирув материаллари терговчи томонидан жиноят ишига қўшиб қўйилади ва қуйидаги тарзда далил сифатида фойдаланилади: олиб қўйилган нарсалар-ашёвий далиллар сифатида; тезкор-қидирув ходимларининг билдиргилари ҳамда баённомалари – ёзма далиллар сифатида; тезкор-қидирув ходимлари ва холисларни сўроқ қилгач, уларнинг берган кўрсатувлари гувоҳ кўрсатувлари каби далил сифатида фойдаланилади¹⁵.

Яширин видеотасвирга олиш билан ўтказилган ТҚТ натижасида олинган маълумотларни қўллашда бир қатор муаммолар туғилади. Жиноят иши учун аҳамиятли бўлган фактларни ўзида мужассам этган видеоёзув ашёвий далил

¹⁵ Громов Н.А. и др. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания // Следователь. 1999. № 11. – Б. 44-45.

мазмунини ташкил қилиши мумкин. Бунинг учун видеоёзувнинг жиноят ишига алоқадор хусусиятлари терговчи, холислар томонидан кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида идрок этилиб, кўздан кечириш баённомасида қайд этилиши лозим. Бу хусусиятларни ашёвий далил деб топиш ва видеоёзувни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида қарор чиқарилиши керак. Бундан ташқари, видеоёзув олинган жой ва вақт, апаратуранинг техник тавсифи тўғрисидаги, видеоёзув олинган шароит ва уни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар ҳам баённомага киритилиши зарур. Бу шахс гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин. Видеоёзув ўз-ўзича ашёвий далил деб тан олинади, зеро унинг кўздан кечиришда аниқланган ва иш учун аҳамиятли бўлган хусусиятлари видеоёзувдан ажралмасдир. Видеоёзув шаклидаги ТҚФ натижалари ашёвий далилларнинг шаклланишига қўйиладиган талабларга мувофиқ жиноят процессига киритилганидан сўнг далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин.

Е.А.Доля шу тарзда гувоҳлар кўрсатувлари орқали жиноят процессига ТҚФни юритувчи органлар билан махфий (конфиденциал) асосда ҳамкорликка жалб этилган шахслардан олинган маълумотларнинг киритилишини таклиф қилади. Бу маълумотлар ТҚФни амалга оширувчи органларнинг ҳужжатлари сифатида жиноят процессига кириши мумкин эмас. Бироқ бундай шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш йўли билан зарур маълумотларни олиш тўғрисидаги таклифнинг мақбуллиги шубҳалидир. Е.А.Доля ўзининг таклифини, яъни жиноят-процессуал қонунчиликда мазкур шахслардан олинган маълумотларни сир сақлаш кафолатлари мавжудлиги билан асослантиради (масалан, ЖПКга асосан суд мажлисининг ёпиқ тарзда ўтказилиши). Шу сабабли ТҚФни амалга оширувчи органларга яширин асосда ёрдам берувчи фуқародан уни сўроқ қилишда қайд этилган ҳамкорлик натижасида унга маълум бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин эмас, деган нуқтаи назарга қўшилиш қийин. Акс ҳолда, бундай гувоҳлар кўрсатувларини текшириш ва баҳо бериш, демакки, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш имконияти истисно этилади, бунга эса йўл қўйиб бўлмайди¹⁶.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб хулоса қилсак, ТҚТнинг натижалари билан боғлиқ муаммолардан бири – бу ундан жиноят процессида далил сифатида фойдаланишдир. Шу боис жиноят процессуал ва тезкор-қидирув қонунчилигига, шунингдек ички ишлар органларининг тегишли идоравий ҳукуқий ҳужжатларига *биринчидан*, ТҚТ натижалари тушунчасини; *иккинчидан*, ошқора ТҚТни ўтказиш вақтида ҳужжатлар, нарсалар, материаллар олиб қўйилган тақдирда, олиб қўйишни амалга оширган мансабдор шахс жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига мувофиқ баённома тузишни; *учинчидан*, ЖПК ва ТҚФ тўғрисидаги қонунга жиноят процессида ТҚТ натижаларидан фойдаланиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларини ва унинг механизмини киритиш.

¹⁶ Доля Е.А. Использование результатов ОРД в доказывании по уголовным делам // Российская юстиция. 1994. №6. 43-6.